



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 23-may • Shanba • 62 (29.023) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодийга жиддий зарар кўрсатаётган молиявий-иқтисодий инқирозинг Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўли нечоғли тўғри эканини яна бир бор исботлади.

«ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКISTОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли конференция қатнашчилари!

Азиз меҳмонлар! Сизларни Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларига бағишланган конференцияда иштирок этаётганингиз билан чин дилдан қутлайман.

Хозирги кунда жаҳон иқтисодийоти сўнгги йиллар давомида ривожланиш жараёнидаги энг калтис даврни бошидан кечирмоқда. Жаҳон илк бор деярли барча мамлакатларга таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга дуч келди.

2008 йилнинг ноябрида Вашингтонда ва 2009 йилнинг апрелида Лондонда дунёнинг етакчи 20 давлати иштирокида бўлиб ўтган саммитлар молиявий-иқтисодий инқирознинг глобал кўламини тасдиқлаш билан бирга, ундан чиқиб ушун дунёнинг барча давлатлари биргаликда изланиши ва уларнинг сайёҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурлигини кўрсатди.

Ушбу жараён давомида кўплаб мамлакатларда нафақат жорий иқтисодий сиёсат, балки умуман ислоҳ қилиш ва иқтисодийоти бошқаришнинг стратегияси, концепцияси ва тамойиллари қайта кўриб чиқилмоқда.

Шуни тан олишимиз керакки, илгари амал қилган ҳамда муқаррар ҳақиқат деб ҳисобланган кўплаб тамойиллар бугун танқидий таҳлил қилинмоқда, янгича ёндашув, янгича ечимлар изланимоқда.

Ана шу изланишлар асосида конференция иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқилган ва ўзини оқлаган тараққиёт модели ҳавола этилмоқда. Бу модель аввало, мамлакатда янги, иқтисодий йўналтирилган бозор иқтисодийоти шакллантиришнинг асосий тамойилларини қамраб олади. Бу тамойилларнинг моҳияти иқтисодийотнинг сийсатдан устуворлиги, давлат зиммасига бош ислохотчи вазифаси юклатилиши, қонуни устуворлигига эришиш, қучли иқтисодийоти сиёсат юритилиши, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир.

Айнан ана шу тамойиллар қонунилик ва институционал тизимларни шакллантиришнинг асосини ташкил этиди, жаҳон молиявий ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган стихиялар ва назоратсизликдан ҳимояланиш йўлида мустаҳкам ва ишончли тўсиқ бўлди, молиявий-иқтисодий ва банк секторларининг

барқарор ишлашини, фаол инвестициявий фаолиятни таъминлади.

Ўзбекистон иқтисодийотининг сўнгги йиллардаги изчил ва барқарор ривожланиши биз таллаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини кўрсатмоқда. Охириги беш йил давомида иқтисодийотнинг ўсиш суръатлари ўртача 8 фоизга ошди ва 2009 йилнинг биринчи чорагида 7,9 фоизни ташкил этиди, ХВЖ прогнозларига кўра, бу кўрсаткич жорий йилда 7 фоиздан кам бўлмаслиги кутилмоқда.

Экспорт ва сармоғлар ўсиш суръатларининг барқарор ва юқорилик, савдо ва тўлов балансларининг ижобий сальдоси, давлат бюджетининг профицити ва ташқи қарзларнинг ҳажми мўтадил бўлгани ҳолда, олтин-валюта захираларининг муттасил кўпайиб бориши ҳам бизнинг иқтисодийотимизга хос жиҳатлардир.

Ўзбекистоннинг иқтисодийоти ривожланиш тажрибаси ва хозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида барқарорликка эришаётгани ҳақида гап борар экан, менинг назаримда муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ҳулоса ва қиёсаларни алоҳида таъкидлашни истардим.

Биринчидан — бозор (талаб ва таклиф) ҳамма нарсага хил қилади, деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, бозор муносабатларига сажда қилавериш мумкин эмас. Ҳаёт тажрибаси шуни неча бор кўрсатдики, иқтисодий ва молиявий муносабатларни бошқариш, мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш учун устуворликлар таллашда давлатнинг ролдан фойдаланиши (бозор, қучилар енгади, деган Дарвин тамойилига амал қилишни эътиборга олган ҳолда), аҳолининг қўпчилик қисми манфаатларини ифодаловчи давлатнинг ролини, қучли иқтисодийоти сиёсат юритиш ва узоқ истиқболга мўлжалланган миллий стратегиянинг ўрнини ҳеч қим ва ҳеч нарса боса олмайди.

Иккинчидан — бугунги кунда сўнгги 15-20 йил давомида муайян ҳолатлар сабабли углеводород хомашёси ва умуман, минерал хомашёси нархларининг кескин ўсиб кетишига қарам бўлган мамлакатлар айниқас мушкул аҳволга тушиб қолди, бошқача айтганда, улар ўзлари билмаган ҳолда жаҳон бизнесининг чайқовчилик билан шугулланувчи айрим доиралари томонидан сунъий равишда шиширилган «нарх пуфаклари»га ҳаддан зиёд боғлиқ бўлиб қолди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида кўплаб қийинчи-

ликларни бошидан кечираётган мамлакатлар бугун шуни тан олмоқдаки, ушбу жараёнда иқтисодийоти модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаш ва инновацион технологияларни жорий этиш ривожланишнинг асосий устувор йўналиши бўлган ва бу тамойилга амал қилаётган давлатлар юксак муваффақиятларга эришади.

Ана шу омилнинг аҳамиятини теоран аниқлаш ва ушбу муҳим устуворликни амалга ошириш борасида доимий, тизимли ва пухта ўйланган иш юритиш — бу ҳар қандай шароитда, энг мураккаб ҳолатларда ҳам муваффақиятга эришишнинг қалити бўлиб қолаверади.

Учинчидан — бизнингча, йигирма етакчи давлат иштирокида Лондонда бўлиб ўтган учрашувнинг энг муҳим ютуқларидан бири шундаки, музокаралар жараёнида оддий бир ҳақиқат билан ифодаланиши мумкин бўлган оқилона ёндашув устуворлик қилди. Яъни, аввал жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли вужудга келган ёнғини ўчириш керак, шундан сўнггина ўз умрини яшаб бўлган Бреттон-Вуд тизими ва унинг институтиларидан янги молия-банк тизимига, уни бошқариш тамойилларига ўтиш моделини шакллантириш, янги молиявий механизмларни қабул қилиш керак.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Мазкур анжуманда конструктив ва самарали мунозаралар жараёнида молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича янги гоялар ва амалий йўллар таклиф этилади, конференция натижалари халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасини теоран тасаввур этиш ва аниқлаш имконини беради, деб ишонман. Зеро, улар миллий иқтисодийоти ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича пухта ўйланган ва изчил сийсати туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида вужудга келган таҳдидларга самарали дош бермоқда.

Ишонманки, конференция иши давомида билдирилган янги гоялар мамлакат, минтақа ва глобал миқёсда молиявий ва иқтисодий тизимларни ривожлантириш, ислоҳ қилиш назарияси ва амалиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўйилади.

Чўқур эҳтиром билан,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Анжуманда дунёнинг 60 мамлакат ва 30 халқаро ташкилот ҳамда молия институтлари, шу жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислот тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлардан 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби бўйича ўтган халқаро илмий-амалий конференция ислохотларнинг ўзбек моделини ўрганиш, мустаҳкам ва барқарор ривожланишнинг миллий иқтисодийоти шакллантириш тажрибасига бағишланди.

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

2009 йил 22 май кунин Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби бўйича ўтган халқаро илмий-амалий конференция ислохотларнинг ўзбек моделини ўрганиш, мустаҳкам ва барқарор ривожланишнинг миллий иқтисодийоти шакллантириш тажрибасига бағишланди.

риши модернизация қилиш ва техник янгилаш, молия-банк тизимини мустаҳкамлаш, замонавий бозор механизмлари, институтилари ва инфратузилмани шакллантириш йўлида бажарилаш улкан бунёдкорлик ишларининг мантиқий давомидир.

Конференциянинг ялпи мажлисида сўзга чиққан халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари вакиллари, олимлар ва тадбиркорлар Ўзбекистонда иқтисодийоти ислоҳ қилиш бўйича чораларнинг ўз вақтида қабул қилингани, бу эса жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига мустаҳкам тўсиқ бўлганини юқори баҳолади.

Хусусан, БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД) бош қотиби С.Паничпақи ўз сўзида мазкур халқаро конференциянинг ўтказилиши катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. У Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон халқи иқтисодийотида катта муваффақиятларга эришганини қайт этди. Жаҳон иқтисодий инқирози авж олган бир пайтда Ўзбекистон иқтисодийоти барқарор ривожланиётгани узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий ва таркибий ислохотлар стратегияси-

ни амалга оширишнинг самараси ҳисобланади. Ўзбекистон бошқа мамлакатлардаги инқирозлардан тўғри ҳулоса чиқарган санокли давлатлардан биридир. Ташқи қаралар масаласига оқилона ёндашув ва уларга ҳаддан ташқари берилишга йўл қўйилмагани ҳам шундан далолат беради. Кўплаб мамлакатлар Ўзбекистоннинг муваффақиятли ривожланишидан ўрнак олса арзийди.

Конференцияда сўзга чиққан Осие тараққиёт банки (ОТБ) Минтақавий департаменти директори Х.Миранда мазкур банк баҳолашни ривожлантиришнинг ўзбек модели, Президент Ислом Каримовнинг ислоҳ қилишнинг беш тамойилини юқори баҳолашни таъкидлади. Инқирозга қарши чоралар дастури ҳар томонлама пухта ўйланган ҳужжат бўлиб, унда иқтисодийоти рақобатбардошлигини ва Ўзбекистон халқининг фаровонлигини янада ошириш, қучли иқтисодий йўналтирилган бозор иқтисодийоти шакллантиришни таъминлайдиган тараққиётнинг стратегик йўналиши қисмида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, мўтадил инфляция, солиқ-бюджет ва банк тизимининг барқарор ҳолати, савдо ва тўлов балансларининг ижобий сальдоси сақланиб турган санокли мамлакатлардан бири бўлиб турибди.

(Давоми 2-бетда)

* ЎЗХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ *

ПАРТИЯ ҒОЯЛАРИНИ ТАРҒИБ ЭТИШДА

ёш фаоллар иштирокини қучайтириш зарур

тира ва кадрлар кунинда қилган мурожаати, ёшлар иқтисодийоти салохияти билан бу ишончи оқлашга бор куч ва имкониятларини сарфлаши зарурлиги тўғрисида фикр юритди.

Машғулотлар давомида сийсий партиялар фаолияти, сайлов тизимига оид янги қонуничилигимизнинг ўзига ҳос хусусиятлари, давлат бошқаруви тузилиши, фуқаролик жамияти институтиларининг жамиятдаги ўрни каби муҳим мавзуларга бағишланган маърузалар тинланди. Шунингдек, мутахассислар Ўзбекистон ХДПнинг ёшларга оид сийсати, мақсад ва вазифалари ҳақида уларнинг фуқаролик жамияти ривожланишидаги ўрни ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирдилар.

Семинарда тақдим этилган турли маърузалар бизнинг сийсий билимларини янада мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда. — дейди Сирдарё вилоят партия кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти раиси Лазиз Аҳмедов. — Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг келиб чиқиб сабаблари ва оқибатлари, мамлакатимизда унинг салбий



оқибатларини бартараф этишда ёшларнинг иштироки, ўсиб келаётган йигит-қизлар билан ишлашнинг ўзига ҳос жиҳатлари сингари кўплаб мавзуларнинг интерфаол шаклда кўриб чиқилгани ёшлар қаноти фаолларининг кейинги фаолиятида асосида, тарғибот-ташвиқот ишларида қўл келади деб ўйлайман. — Партия дастурида ёшларга оид белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бизнинг асосий мақсадимиздир, — дейди Собир Раҳимов туман партия кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти раиси Бахтиёр Отахонов. — Бунинг учун ҳуқуқий ва сийсий билим ҳамда малака-

мизни ошириб боришимиз, атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз позициямизга эга бўлишимиз, керак бўлса, ёш сийсатчи сийсатида уларга баҳо бера олишимиз зарур. Бундай тадбирлар партиянинг ёш аъзолари бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳабардор бўлишлари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёни билан яхшироқ танишишлари ҳамда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ушбуларни эгаллашда муҳим аҳамият касб этади.

Гулуҳ ОДАШОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири,
Шавкат ҚАҲҚОРОВ
олган сурат.

Баркамол авлод орзуси

Ватанимиз эртаси — бугунги ёшларнинг билим ва салохияти, истеъдоди ва иқтидори, бир сўз билан айтганда, маънавий камолотига боғлиқ. Ишот талаб қилмайдиган бу ҳақиқатни ривожлантириб яна шуни айтиш мумкинки, келажаги буюк Ўзбекистонимизни янада юксалтириш, тараққиёт эътириш бугун қўйилган пойдеворга — ўғил-қизларимизга берилган эътиборга, ғамхўрликларга, таълим-тарбияга боғлиқ.

20-21 май кунлари ўтказилган «Куч — билим ва тафаккурда» тадбири ўқувчилар ижодиёт марказлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини тарғиб этишга бағишланди. Анжуманнинг асосий са-


қумитаси, халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар иқтисодийоти ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ва бошқа ташкилотларнинг тадбирдан қўзғалган мақсадлари тўла-тўқис амалга ошиганини яққол кўрсатиб турди.

БАХТЛИ БОЛАЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Болаларимиз биздан кўра қучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак, деган орзу, мақсад асосига қурилиб, яратилаётган шарт-шароити имкониятлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Спорт ва санъат, фан бадий ижод соҳасида дунёни лол қолдирган фарзандларимиз сафи йил сайин кенгаймоқда, улар эришаётган халқаро миқёсдаги жаҳоншумул галабалардан, ютуқлардан қалбимизда фахр-ифтихор туйғуси уйғонади.

Болаларнинг ҳар томонлама, етуқ ривожланишида муҳим ўрин тутадиган, улар иқтисодини намоён этишга қўмаклашадиган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолияти,



уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, замонавийлаштириш масалалари Президентимиз ва давлатимизнинг доимий эътиборида. Пойтахтимиздаги Бобур маданият ва истироҳот бо-

қургамада туман халқ таълими бўлими тайёрлаб келган стендлардан қўпгина маълумотларни билиб олиш мумкин эди. Масалан, улардан бири билан танишиб, Ҳамза туманида икки жойда ўқувчилар ижодиёт маркази, бешта болалар мусиқа ва санъат мактаби, болалар ва ўсириллар спорт мактаби, болалар жисмоний тарбия — спорт клуби борлигини билиб олди. Фақат бу эмас, мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбарларию ходимлари, турли тўғарақларга қатнашаётган болалар байрам иштирокчиларига маълумот бердилар.

(Давоми 4-бетда)

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Жаҳон банки ваколатхонасининг минтақавий директори Мото Каниши ўз чиқишида Президент Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китобида келтирилган чуқур таҳлил ва хулосалар, Ўзбекистон раҳбариятининг инкирози бошлангишини ўз вақтида кўра билгани мамлакатни тараққийнинг мувозанатлашган ички динамикаси асосида янада муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга қаратилган комплекс дастур ишлаб чиқилгани унда чуқур таассурот қолдирганини таъкидлади. У Жаҳон банки ўзбекистоннинг Инкирозга қарши чоралар дастурини банк-молия тизимини янада барқарор ривожлантириш, реал сектор рақобатбардошлигини ошириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашни таъминлашнинг асосли, мувофиқлаштирилган ва ўз вақтида қабул қилинган чоралар комплекс сифатида кўлаб-қувватлаш истагини билдирганини маълум қилди.

Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонни ислох қилиш тамойиллари инкироз таъсирига самарали қаршилик қўриштириш ва фаол роль ўйнади, деди БМТ Ривожланиш дастурининг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича Минтақавий бюроси директори Урнбосари Йенс Вандел. Кўлаб давлатлардан фарқ

ли ўларок, Ўзбекистон раҳбарияти инкирознинг дастлабки босқичидаёқ унинг салбий оқибатларини пайқаган ҳолда, ҳақиқий дошмадликнинг намоён этди, шунингдек, инкирозга вақтида ва самарали жавоб қайтаришни таъминлаган кучли сиёсий лидер эканини яна бир қарра исботлади. «Бугунги конференция Ўзбекистоннинг фаоллиги ва ўз ижобий таърихисини бошқа мамлакатлар билан баҳам кўришга тайёрлигини кўрсатди. Биз бундан ўзимиз учун хулоса чиқаришимиз ва Ўзбекистон амалга ошираётган инкирозга қарши қўрилаётган чора-тадбирлар борасидаги муваффақиятли сиёсат имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак».

У Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритиш, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолининг ҳимояга муҳтож гуруҳларини ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш соҳасида узоқ муддатли муҳим дастурларни амалга оширишга устувор аҳамият берилганлигини қайд этди.

Ислам тараққийёт банки (ИТБ) президенти А. Муҳаммад Али ўз баёнотида, кўлаб аъзо мамлакатлари жаҳон иқтисодий инкирозининг турли кўриниши ва оқибатларига дуч келган мазкур банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодийнинг кенг қўламада ислох қилиш ва инкироз оқибатларига қарши чоралар кўриш бўйича сиёсатини тўлиқ маъқуллаш ҳамда кўлаб-қувватлашни таъкидлади. ИТБ Ўзбекистон банклари билан ҳамкорликда иқтисодийнинг реал сектори қорғонларини молиявий ре-

сурслар билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг қўлаб-қувватлашга доир амалий чоралар кўрмоқда.

Нью-Йорк штати университети профессори П.Морвиш шундай деди: «Дунёнинг аксарият давлатлари тўқнаш келган иқтисодий муаммоларга қарамай, Ўзбекистон Ислам Каримов раҳбарлигида бугун иқтисодий тараққийнинг ёрқин намунаси бўлиб, ривожланишни оқилона ва мувозанатлашган дастурини амалга оширмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг иқтисодий дастури бирон-бир мафкура доирасида чекланган эмас, балки иқтисодийнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқиш белгиланган. Президент Ислам Каримовнинг ушбу китоби иқтисодий назарияни чуқур тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш асосида яратилган ва барчамиз бизни чуқур ўрганишимиз лозим».

Ўзбекистон катта салоҳиятга эга, сиёсий барқарорлик, кучли давлатчилик, аҳолисининг катта қисми азамоний билимларни эгаллаган ёшлардан иборатлиги, буюқ қимматбаҳо табиий ресурслар захира ва ривожланган инфратузилмаси тўғрисида етакчи давлат ҳисобланади».

Унинг фикрича, баъзи либерал иқтисодчи экспертлар илгари Ўзбекистонни санаят ривожланишнинг давлат томонидан кўлаб-қувватлашга қаратилган сиёсати учун танқид қилар эди. Бироқ, 1929-1933 йиллардаги улкан депрессиядан кейин биринчи марта юз берган бугунги чуқур иқтисодий инки-

роз даврида бу сиёсатни кўлаб давлатлар кўлаб-қувватлашга қўллашга интиломоқда.

«Корея-Ўзбекистон» дўстлик жаҳияти раиси Ким Юн Сок Президент Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китоби барча тармоқларда зарур чоралар кўришга даъват этишни таъкидлади. «Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон иқтисодий инкирози ва жорий иқтисодий инкироз пайтида ўз иқтисодийнинг барқарорлигини яққол намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Президентини барчамизни инкирозга қаршилик қўриштириш усуллари ҳақида ўйлашга мажбур қилаётган ниҳоятда аҳамиятли ва муҳим китоб яратди».

Сўнгра конференция ўзининг секциялар мажлисларида давом эттирди. Уларда дунё мамлакатлари иқтисодиёти учун жаҳон инкирози омили ва оқибатлари, глобал инкироз даврида ва ундан кейин жаҳон молия ва банк тизимини ривожлантириш муаммолари, банк-молия сектори барқарорлигини таъминлашга доир чоралар, ривожланишнинг янги иқтисодий имкониятлари омили сифатида иқтисодийнинг модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш, унга инновацияларни жалб этиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози оқибатларини бартараф этишни ижтимоий жиҳатлари ва конференция мавзусига оид бошқа долзарб масалалар муҳокама этилди.

Конференция яқунлари бўйича тайёрланган хулоса ва тавсияларда глобал молиявий-иқтисодий инкирознинг пайдо бўлиш сабаблари, ҳавф ва таҳдидларини чуқур ва асосли таҳлил этишни алоҳида долзарблиги, Президент Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китобида баён этилган инкирозга қарши чораларнинг конкрет ва реаллиги амалий йўналтирилгани қайд этилган.

Ислохотларнинг ўзбек моделини амалга ошириш натижасида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари шунингдек, республикамизда инкирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун зарур база яратилган. Ўзбекистоннинг нафақат инкироз оқибатларини юмшатиш бўйича тезкор чоралар кўришга, балки инкироздан кейинги даврга ҳам қаратилган Инкирозга қарши чоралар дастурига дунёнинг кўлаб давлатлари катта қизиқиш билдирмоқда.

Ушбу халқаро конференция ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, ҳал қилувчи бозор ислохотлари ва таркибий туб ўзгаришларни амалга ошириш, шунингдек, мамлакатимиз Президентини томонидан ишлаб чиқилган Инкирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини бутун дунё эътироф этишга ва унга қизиқиш билдираётганини яна бир бор тасдиқлади.

СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Магди ДАЙФ, Миср Араб Республикаси ахборот вазири маслаҳатчиси, журналист ва сиёсий шарҳловчи:

— Юқори савияда ташкил этилган бу конференция нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг барча мамлакатлари учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур анжуман Ўзбекистоннинг юксак иқтисодий салоҳиятидан ёрқин далолатдир. Юртингизда халқ фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни диққат билан кузатиб бораман. Шунингдек таъкидлаш керакки, Президент Ислам Каримов узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсат боис мамлакатимизнинг фақат иқтисодий эмас, барча соҳада изчил тараққий этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китобида глобал молиявий-иқтисодий инкирознинг келтирилган сабаблари, унинг оқибатларини енгиллаштириш ва бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатиб берилган.

Ли ФЭНЛИНЬ, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Ривожланиш тадқиқотлари маркази хузуридаги Европа ва Осиё ижтимоий ривожланиш институти директори:

— Дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий зарар қўришаётган молиявий-иқтисодий инкирози Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўли нечоғли тўғри эканини яна бир бор исботлади. Бу анжуман мамлакатимизда иқтисодий бўҳронни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар билан танишиш имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг китобини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ўзбекистон Президентини томонидан ишлаб чиқилган тараққийнинг беш асосий тамойили мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози таъсиридан бартараф этишда муҳим аҳамият касб этаётганига гувоҳ бўлдим.

Хартли БУТ, Саудо ва санаят бўйича Ўзбекистон-Буюк Британия кенгаши ҳамраиси:

— Ўзбекистон – иқтисодиёти барқарор ривожланаётган мамлакат. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган ҳақиқатдир. Турли мамлакатлардан келган экспертлар, олим ва мутахассислар билан ўзаро фикр алмашиш имконини берган ушбу йирик анжуман халқаро инкироз таъсирини енгиллаштириш жараёнида алоҳида ўрин тутди. Бу борада Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва ундан ўрнак олиш ҳам жуда муҳимдир. Шунинг қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ўз минтақасида иқтисодий ўсиш бўйича етакчи ўринда туради.

Буюк Британия Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг муваффақиятли иш юритилиши учун қўлай шароит яратилган. Бу британиялик ишбилармонларнинг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини тобора кучайтирмоқда.

Азамат ХАЁТХОН, Покистон Минтақавий тадқиқотлар маркази директори, Пешовар университети ректори:

— Президент Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китоби жаҳон иқтисодиётини мураккаб ҳолатдан олиб чиқиш йўлида кўлаб мамлакатлар учун муҳим илмий қўлама бўлиб хисоб қилади, дейиш учун барча асослар бор. Ушбу асарда жаҳон молиявий инкирози даври ва ҳолати, унинг тарқалиш сабаблари аниқ таҳлил этилган. Унда инкироз таъсирини бартараф этиш бўйича аниқ фикрлар баён қилинган. Хусусан, санаятнинг модернизация қилиш, қорғонларни техник ва технологиялар жорий этиш масалалари ўз аксини топганки, булар эътиборга моликдир.

Ўзбекистон иқтисодий соҳада эришган ютуқлардан ҳайратландим. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган тараққийнинг ўзбек модели нақадар тўғри ва пухта ишланганини яна бир бор исботлади.

Нирмала ЖОШИ хоним, «Хиндустон-Марказий Осиё» тадқиқотлар жамғармаси директори, профессор:

— Халқаро иқтисодий бўҳрон жаҳон савдо ҳажмининг кескин пасайтирди, кўлаб мамлакатларнинг иқтисодий қўрсаткичларини тушириб юборди. Ривожланган мамлакатларнинг банк тизими инкироз синовларига дош бера олмади. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш гоаят муҳимдир. Боиси, ўзи танлаган тараққий йўлидан оғишмай бораётган Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида кўлаб давлатлар учун тўғри ва аниқ шакланган мактаб эканини исботлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китобида жаҳон молиявий-иқтисодий инкирознинг намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, инкироз оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омилилар баён қилиб берилган.

Гарри ЮСТАС, АКШ-Ўзбекистон савдо палатаси раиси:

— Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи муттасил ошиб бормоқда. Бунда Президент Ислам Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси пухта ишлаб чиқилган, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари аниқ ва тўғри кўрсатиб берилгани муваффақиятларга эришиш имконини берди.

Ислам Каримовнинг асарини инглиз тилида АКШда ҳам чоп этилди. Бу китоб аниқ далилларга асосланган, иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг тўғри ва аниқ йўллари ўзида муҳасам этгани билан халқаро ҳамжамият эътиборини тортмоқда.

Ток Кю ЛИМ, «Diplomacy» журнали раиси (Корея Республикаси):

— Юртингизда иқтисодиётини эркинлаштириш ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бермоқда. Бу мамлакатимизда иқтисодий салоҳияти тобора юксалишига ҳизмат қилаётган. Шунинг манмуни билан қайд этишни истардимки, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик суръат билан тараққий этмоқда. Ўзбекистонда корейлик шериклар билан ҳамкорликда тузилган кўлаб қўшма қорғонлар фаол иш юритмоқда, товар айирбошлаш ҳамжи муттасил ошиб борапти.

Ўзбекистон Президентининг китоби биз, олимлар, тадқиқотчилар учун катта аҳамиятга эга. Асарда ҳар бир мамлакат учун фойдали бўлган муҳим жиҳатлар бор. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққийёт модели, инкироздан чиқиш йўллари борасидаги қимматли фикрлар акс эттирилган. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, дунё мамлакатлари ўзбекистон тажрибасидан кўп жиҳатларни ўрганиши керак.

Жак БАРР, Франция Фанлар академияси «Симон Дел Дук» жамғармаси президентининг илмий маслаҳатчиси, директор:

— Бир неча ҳафта аввал Францияда француз тилида чоп этилган Ўзбекистон Республикасининг Президентини Ислам Каримовнинг молиявий инкироз ҳақидаги асарини кўпчиликнинг эътиборини тортди. Бу асар шахсан менда катта таассурот қолдирди. Кўп мамлакатлар иқтисодий инкироздан зарар кўраётган бир пайтда давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда тараққийётга ҳизмат қилаётган фаолиятининг барча йўналишларини бирлаштириб, мураккаб аҳволдан чиқишга мўлжалланган дастурни белгилай олди.

Мазкур анжуман глобал молиявий-иқтисодий инкироз таъсирини юмшатиш ва оқибатларининг олдини олиш жараёнида Ўзбекистонда иқтисодиётини ислох қилиш борасида амалга оширилаётган улақ ишларнинг юксак самаралари билан танишиш имконини берди. Ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистонда амал қўлаётган «Давлат – бош ислохотчи» тамойили бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилиши лозим.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биологик хилма-хилликни асраймиз



— Табиатда ҳар қандай ўсимлик турининг йўқолиши уни тиклаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Республикаимизда флораси ниҳоятда бой. Худудимизда 4500 га яқин ёввойи ўсимлик ва 2000 дан ортқ замбуруғ турлари мавжуд. Улар орасида муҳофазатга муҳтож кўпгина камёб, эндем ва реликт турлар ҳам бор. Бундай турларнинг сони 400 атрофида, улар Ўзбекистон флорасининг 10-12 фоизини ташкил этади. Юртимиз табиатидаги лола ва саллагуллар, қимматбаҳо ўсимликларимиз ноёб турлар ҳисобланади, дунёга донги кетган. «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази олимларининг тадқи-

Мутахассис мулоҳазаси: **Жалолиддин АЗИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Зоология институти директори, академик:**

— Фауна — биохилма-хилликнинг муҳим бўғини. Ўзбекистон ҳайвонот олами жуда қадимий ҳамда ўта мураккаб генетик ришталар орқали узаро боғланган. Худудимизда Евроосий чўллари, Ҳинди-Хитойдан, Урта Ер денгизи атрофларидан кириб келган гуруҳларнинг ҳам муайян ўрни бор. Худудимиз фаунасида умуртқали ҳайвонларнинг 677 тури (сўт эмизувчилар — 108, қушлар 432, судрали юрвувчилар 58, амфибиялар — (сува ва қуруқликда яшовчи) 2, баллиқлар 77 тури мавжуд.

Фаунанинг ҳар бири тури — тарихан такрорланмас, генетик жиҳатдан ягона, ҳар қандай биологик ҳамжамоада фақат ўзига хос ўринга эга.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан давлатимиз худудимиз фаунасини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келади. Тизимли такомиллаштиришни мустахкам ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон 1997 йилда «Йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги» халқаро конвенция, 2001 йилда эса «Халқаро аҳамиятга эга, айниқса сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойлари бўлган сув-ботқоқли жаҳон дўстлик бўлиши» (Рамсар) конвенцияларига қўшилди.

Бу борадаги илмий салоҳият оширилди, ҳайвонот оламининг ареаллари, сув-ботқоқ тизими, тўқайзор, ўрмонзорлар кенгайтирилди. Марказий Осиё минтақасида камёб ҳайвонларни кўпайтириш, уларни сақлаш ва реинтродукция қилиш учун «Жайрон» экопаркини фаолият қўрсатяпти. Бу ерда яқин ўтмишда табиатда йўқолиб кетиш ҳавфи остида бўлган қулон, йўрга тувалок, жайрон каби камёб турлар кўпайтириляпти.

ТАБИАТ МУВОЗАНАТИ

Инсоният табиатнинг бир бўлаги. Ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёси, биохилма-хиллик бутун борлик бир экотизимдир. Худудимиз биологик турли-туманлиги мамлакатимизнинг миллий бойлигидир.

Ўзбекистон ўзининг барқарор ривожланиши учун 1995 йилда биохилма-хиллик тўғрисидаги халқаро Конвенцияга қўшилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан худудимиз биохилма-хиллигини муҳофазалашга катта эътибор қаратилиб келинади. Унинг ҳуқуқий асослари яратилди ва такомиллаштирилмоқда. 1992 йил «Табиатни муҳофазат қилиш тўғрисида», 1993 йил «Алоҳида муҳофазат қилинадиган табиий худудлар тўғрисида», 1993 йил «Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида» қонун қабул қилинди.

Маълумки, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини муҳофазат қилиш, биохилма-хиллигини сақлашга муҳофазат этиладиган табиий худудлар тармоғи катта аҳамиятга эга. Республикаимизда умумий майдони 2164 километр квадратдан иборат бўлган 9 та давлат қўриқхонаси, умумий майдони 6061 километр квадрат бўлган 2 та миллий боғ, майдони 12186,5 километр квадрат бўлган 9 та давлат буюртмахонаси ва ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш бўйича республика «Жайрон» экопарки ҳамда «Сайхун» парваришхонаси мавжуд.

Мутахассис изоҳи: **Борий АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофазат қилиш қўмитаси раиси:**

— Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб турларини кўпайтириш бўйича муассасалар табиатни муҳофазат қилиш ва биохилма-хиллигини

сақлаб қолишнинг энг самарали йўлидир. Республикаимиздаги мавжуд давлат қўриқхоналари, давлат буюртмахоналари ва марказларда худудимиз фаунасида турлари камайиб, йўқолиб бораётган ноёб ҳайвон ва ўсимликлар муҳофазат остида, табиий шароитда яшайди, ўсди. Масалан, қўмитамиз тасаруфидидаги Бухоро вилоятида жойлашган «Жайрон» экопарки худудда ҳайвонларнинг 8 тури мавжуд, майдони 7122 гектарни ташкил этади. Тошкент вилоятидаги Чоққол давлат биосфера қўриқхонасининг умумий майдони 35724 гектардан иборат, ҳайвонларнинг 152 тури, ўсимликларнинг 700 тури учрайди.

Дарҳақиқат, биологик ранг-барангликда ўсимликлар оламининг ўрни беқийс. Қолаверса, жамият равақати учун флорани муҳофазат қилиш катта ҳаётий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ер юзида инсоннинг табиатга нотўғри муносабати оқибатида, ўсимликларнинг минг йиллар давомида ташкил топган табиий манзараси ўзгарди, қашшоқлашиб, яшил олам ўзининг кўркени йўқотмоқда, табиатнинг экологик мувозанати бузилмоқда. Яна табиий майдонлар шиддат билан ўзлаштириляпти. Оқибатда ўсимликларнинг ноёб турлари, эндем турлар табиатдан йўқолиб кетиш ҳавфи остида. Бу эса ўсимликлар генофондининг камайишига сабаб бўлмоқда.

Мутахассис изоҳи: **Бобоқул Тўхтаев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази директори, биология фанлари доктори, профессор.**

қотлари ўз самарасини берапти. Кейинги йилларда вилоятларда олиб борилган илмий изланишларимиз тўғрисида баъзи йўқолиб бораётган ўсимликларимиз тури кўпайди ва ареаллари кенгайди. Масалан, Корольков заъфарони, Ноксимон нормушк, Суворов пёзи, Анзур пёзи...

Флорамизнинг кўрки — Нурота мовийгули фақат Нурота тоғларида, Оқтоғ мовийгули — Жанубий-ғарбий Қизилқумдаги Қондиқ тоғларида, Бухоро тангаўти — Хисор тоғ тизмасидагина ўсади ва жуда нодир ҳисобланади. Бундай ноёб турларни асраш, келгуси авлодларга етказиш ҳар биримиз учун ҳам қарз ҳам фарздор.

Табиатимизнинг биологик ва ландшафт хилма-хиллиги миллий бойлигимиз. Бу бойлик бир неча минг-минг йиллик эволюция давомида пайдо бўлган ҳамда аждодларимиз улардан оқилона фойдаланиб, бизга мерос қолдирган.

Афсуски, ўтган юз йилликнинг сўнги 50-60 йилда табиий яйловларимиз шиддат билан ўзлаштирилди, сув, ботқоқ тизимига путур етди. Оқибатда чўл, ярим чўл, даштлардаги бетакор чўл биологик мажмуаларимиз кескин қисқариб кетди.

Юртимиз Марказий Осиё минтақасидаги бир неча биогеографик ўлкалар туташган худудда жойлашганлиги боис унинг ҳайвонот оламини жуда ранг-барангдир. Худудимизнинг чўл ва сархорлардан иборат кенг текисликлар, тоғ-дашлар, ўрмон, яйловлар, тўқайзорлар, сув ҳавзалари, маданий ландшафтлар — буларнинг ҳаммаси ўзига хос фаунистик мажмуаларга эга экотизимлари ташкил этади.

Мухтасар айтганда, табиатдаги бор мавжудот битта экотизимда ҳаёт кечиради. Қадимий манбаларда ҳайвонот оламига шафқатли бўлиш ҳақида кўлаб битиклар ёзиб қолдирилган. Зеро, худудимиз флора ва фаунасидаги ҳар қандай турларни муҳофазатлаш учун ҳар биримизнинг онги-шууримизда шафқат ҳиссини шакллантиришимиз, айниқса, ёшларимизни шу руҳда тарбиялаш муҳимдир.

Саид САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎА муҳбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

★ **Ҳолат**

Биласиз, ижро масаласида муаммолар бор. Бу, бир томони, ижрочининг малакаси ва масъулияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ижро механизмнинг ҳали тўла қиймега етмаганига бориб тақалади. Рост, ижронинг тўла таъминлашда ижрочининг ваколати етишмаётган ҳолатлардан кўз юмиб бўлмайди. Бундан ташқари, иш қўлами ҳаддан зиёд кўп. Бунга қишлоқ туманларидаги масофа масаласи ҳам қўшилади.

Юқоридаги каби ижро билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун ижро қонунчилиги тақомиллаштирилмоқда. Яқинда қабул қилинган «Ижро иши юритиш тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ижро ишини самарали ошириш механизмни қучайтиради ва охири-оқибат ижрочи нуфузи ошишига хизмат қилади.

Биз қаламга олмоқчи бўлган воқеа ҳам ижрочи ва унинг ўрни, қолаверса, ижро муаммоси билан бевосита боғлиқ.

2004 йил суд ижрочилари Навоий шаҳар бўлинимасида ҳар бир суд ижрочисига бир ойда 100 та ижро иши тўғри келган бўлса, 2005 йилга келиб бу сон қарийб 200 тани ташкил этган. Табиийки, иш ҳажмининг бундай юқорилиги иш сифатида ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди — қарздорлик ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши. Шу ҳолатларни асос қилиб 2005 йил 6 июнь кунин Навоий вилоят прокуратураси Навоий шаҳридаги суд ижрочиларига нисбатан Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатади. Терговни Навоий шаҳар прокуратураси терговчиси Р.Зайнвев (ҳозир Когон шаҳар прокуратураси терговчиси) олиб боради. Тергов мобайнида 9 та суд ижрочисининг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги учун жиноят ишининг уларга нисбатан қисми ҳаракатдан тугатилди. Фақат битта ижрочи — Отабек Сувонов айбланиб, унинг қисми судга оширилди. 2005 йил ижро ҳужжатини ўз вақтида амалга оширмаганлиги учун мансаб совуққонлигини содир этганлигида айбланган. Қизғинчи, ҳаракатлида жиноят таркиби йўқ ҳисобланган ижрочилар — Ш.Маҳкамовда ижро «қўрсаткич» 86 тани, С.Исломовада 35 тани, У.Гафоровда 31 та, Х.Саидовда 52 тани, Х.Иноятовда 47 тани, З.Саломовда 91 тани ташкил этган эди. Яъни, Отабекка қўйилмаётган «жиноят»ни хоҳлаган ижрочидан ҳам топса бўлар-

ди. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг (судья Б.Қурбонов) 2006 йил 25 январдаги ажрими билан жиноят иши қўшимча терговга қайтарилди. Суд прокуратура органи томонидан айнан бир хил ҳолат бўйича шахсларга нисбатан турли хил қарорлар қабул қилинган. О.Сувоновнинг ҳаракатлари баҳо беришда унинг иш юритишдаги иш ҳажмининг кўплиги таҳлил қилинмагани, айбланувчи хатти-ҳаракатларида гараз ёки паст ният борлиги аниқланмагани, умуман тергов тўлиқ ва холис олиб борилмаганлигини қайд

ижрочи битта компьютер билан таъминланган. Қоғоз, марка, сейф, транспорт ва ҳоказо шарт-шароитлар таъминоти яхши ишлаш учун етарли бўлмаган. Аслида бундай етишмовчиликлар бошқа жойлар учун ҳам хос. Навоий шаҳар прокуратураси терговчиси Р.Зайнвев негадир юқоридаги ҳолатлардан кўз юмгани, жиноятнинг объектив, субъектив сабабларини ўрганмагани, энг ажабланилиси, бир хил ҳолат учун қилишимга асослар бор, — дейди у. — Аттестация варақасини ўқиб кўрдим. Унда ёзиб қўйилган 7 та саволнинг 3 таси менга аттестация вақтида бе-

бекор бўлганини, менинг оқланганимни айтишмаган кўринади.

Юқоридаги савол, балки, ўшанда нима бўлганлигини аниқлаш ёки кўнгил сўраш учун берилган бўлиши мумкин. Аттестациядан кейинги ҳолат О.Сувоновда «бу савол атайин берилган» деган хулосани ҳосил қилганга ўхшайди. Негаки, вилот бўйича биргина ижрочи — О.Сувонов аттестациядан ўтлолмади.

— Менинг шундай хулоса қилишимга асослар бор, — дейди у. — Аттестация варақасини ўқиб кўрдим. Унда ёзиб қўйилган 7 та саволнинг 3 таси менга аттестация вақтида бе-

ларга жавоб бера олмаслигига ишониб бўлмайди. Агар у ижронинг алифбоси ҳисобланмиш юқоридаги саволлар ечимини билмабдими, унда 11 йил давомида қандай ишлаган, аввалги ўтказилган аттестациялардан қандай ўтган каби саволлар қўйилган бўлади?

«Жиноят иши» баҳонасида унинг иш фаолияти таҳлил қилинганда ижро ишларининг 75, суммага олганда 88 фоизининг ижроси у томондан амалга оширилгани аниқланган. Вақтида ундирилмаган ижро ишлари эса баъзиларда 90 тани ташкил этганда, унда бу сон 22 ни ҳосил қилган. О.Сувоновнинг иш юритишга буюрилган бошқа ижрочилар иш юритишдаги ижро ишлари олиб берилганлигини ҳамда ўн йил меҳнат таътилисиз ишлаганлигини ҳам эътиборга олсак, унинг малакаси ёки масъулиятини паст баҳолаш мумкин эмасдек туюлади. Яна ким билади дейсиз...


Аттестация хулосаси асосида 2008 йил 9 октябрдаги ҳудудий бошқарма бошлиғи П.Худайбердиевнинг буйруғи билан иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилди.

Иш судга кўчди. Фуқаролик ишлари бўйича Қармана туманлараро суди (судья Ш.Товшев) 5 ноябрь кунги ҳал қилув қарори билан ўшбу буйруқни бекор қилди ва О.Сувонов ишга тикланди. Суд департаментининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан келтирилган апелляция шикоятни вилот суди апелляция хайвати ажрими билан (судьялар И.Қосимов, И.Шоймардонова, А.Муродов) рад қилди. Хуллас, О.Сувонов ҳудудий бошқарманинг 14 ноябрдаги буйруғи билан иш жойи — суд ижрочиларининг Қизилтепа тумани бўлими суд ижрочиси вазифасига ишга тикланди. Аммо тез орада унга ҳудудий бошқарма томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш хати келди. Унда яна аттестация натижаси айтилиб, Меҳнат кодексининг 100-модда 2-қисми 2-бандига (малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли) асосан 29 ноябрь кунин у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида гап боради. Кечagina суд шундай асос билан чиқарилган буйруқни бекор қилган эди. Ушбу огоҳлантириш қайси асосларга таяниб берилди экан? Айни шу ҳолатда қонунийлик, ишхона манфаати учун қайғуришнинг эмас, балки қандайдир ҳусуматнинг нафаси келмаётганга ўхшайди, назаримизда.

Ахбар ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУД ХОДИМИНИ ИШГА ТИКЛАДИ

Ёки ижро масаласи, ижрочи ва унинг ҳимояси хусусида



рилан эмас. Яна мени таажубга солган аттестацияда иштирок этмаган комиссия раисини ҳамда 2 та аъзонинг ўғиб иштирок этган каби аттестация варақасига имзо чекгани бўлди.

О.Сувонов 1997 йилдан бери суд ижрочиси сифатида ишлаб келмоқда. Унинг ўзи ижро варақасида «Даво тушунчаси ва турларини айтиб беринг», «Ундирувлар навбатини айтиб беринг» ва «Нафақа ундириш бўйича бир шахсга нисбатан суд томонидан берилган 3 та ижро варақасини ижро этишининг ўзига хос хусусиятлари» каби саволларга тажрибасидан келиб чиқиб, жавоб бергани таъкидлайди. Ижро варақасида эса «жавоб берилмади», «жавоб нотўғри» ёки «жавоб қисман тўғри» деб ёзилган. Агар Отабекнинг 11 йил ижро бўлимида ишлагани инобатга оласак, ўзи ҳар кунини келадиган шу каби масала-


эпти. Айбловни тасдиқлаган шаҳар прокурори А.Болтаевнинг (ҳозир Термиз шаҳар прокурори) ўшбу ажримга нисбатан келтирилган апелляция протести ҳам вилот суди апелляция босқичи суди (судьялар Д.Ташпўлатов, Н.Шеров ва М.Шодиева) томонидан 2006 йил 28 мартдаги ажрим билан қаноатлантирилмади. Иш қўшимча терговга қайтди.

О.Сувоновнинг Навоий шаҳар прокуратурасида тергов олиб борилишига норози бўлиб ёзган шикоятни қондирилиб, иш Қизилтепа тумани прокуратурасига ўтказилди. 2006 йил 31 май кунин Қизилтепа тумани прокуратураси терговчиси Ф.Тожиёв О.Сувоновнинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Терговчи қароридан О.Сувонов иш ҳажмининг кўплиги оқибатида баъзи ижро ишларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда амалга оширмаганлигини содир этганлигида айбланган. Қизғинчи, ҳаракатлида жиноят таркиби йўқ ҳисобланган ижрочилар — Ш.Маҳкамовда ижро «қўрсаткич» 86 тани, С.Исломовада 35 тани, У.Гафоровда 31 та, Х.Саидовда 52 тани, Х.Иноятовда 47 тани, З.Саломовда 91 тани ташкил этган эди. Яъни, Отабекка қўйилмаётган «жиноят»ни хоҳлаган ижрочидан ҳам топса бўлар-

ийл вақт кетса-да, ҳаракатларида гараз ёки паст ният йўқлиги исботланди. Лекин бу борада у руҳий азоб еди, қўлидаги ижро ҳужжатлари бошқага олиб берилди, ижрочи, унинг ҳимояси каби тушунчаларига зиён етди. Аслида битта ижро ҳужжати амалга ошириш — мажбурий ижронинг амалга оширишда, эҳ-ҳей, қандай ҳолатлар, тўс-тўполонлар бўлмайди дейсиз. Хатто бундай пайтларда ижрочи жароҳат олган ҳоллар ҳам бўлади. Шундай қийин вазиятларда ҳам йўл топиб ишласа-ю, яна ишламагансиз, совуққонлик қилгансан, дея айбланса, энг ёмони, унинг ҳимояси масаласи суут бўлса... Бунинг устига аҳволни билатуриб, ўша ноҳақ айбловлар ҳақида ўзининг раҳбарларинг сўрашса...

— Утган йили 11 август кунин вилотдаги ижрочилар қатори биз — Қизилтепа тумани суд ижрочилари бўлими ижрочилари ҳам аттестация қилиндик, — дейди О.Сувонов. — Унда комиссия аъзоларидан бири «Нима учун сизга 2005 йилда прокуратура томонидан Жиноят кодексининг 207-моддасига асосан айб ёзлон қилинган?» деган саволни берди. Тўғриси, асосиз қўзғатилган «жиноят иши» мени кейинчалик ҳам таъкиб қилиб юришини билмаган эканман. Ёки савол берган раҳбаримизга бу иш кейинчалик



ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

қайта ўтказилади

Молдова парламентида мамлакат президенти сайлови 28 май кунин қайта ўтказилади деган бўлди. Негаки, 20 май кунин бўлиб ўтган сайловнинг биринчи турида мухолиф партиялар депутатлари ёппасига сайловда иштирок этишдан бош тортиб, залдан чиқиб кетдилар.

Шундай бўлса-да, ҳукмрон Коммунистик партия икки киши — ҳукумат бошлиғи Зинаида Гречаная ва нейроржароҳ Станислав Гроуп номзодини овозга қўйди. Аммо Зинаиданинг президентликка сайланиши учун 1 та овоз етмади. Яъни унинг учун Коммунистик партиянинг 60 нафар депутати овоз берди. Лекин Молдова қонунчилигида кўра, 61 нафар депутат овоз бериши керак. Станислав номзодини эса ҳеч ким қўлаб-қуватламади.

Яна шунинг эслатиш лозимки, Молдова Конституциясига кўра, президент сайлови икки турда ўтказилиши мумкин. Демак, яна бир тур қолди. Агар бунда ҳам номзод керакли овоз ололмаса, амалдаги президент парламентни тарқатиб юборади ва қайта парламент сайлови ўтказилишини эълон қилади.

«Новости-Узбекистан» айтиб беришича, айни дамда давлатни бошқариб турган Владимир Воронин икки мuddатга президентликка сайлангани учун учинчи мuddатга номзодини қўйилмади. Шунинг учун у апрелда бўлиб ўтган парламент сайловидан сўнг спикерликка сайланди. Шу билан бирга президентлигини ҳам бошқариб турибди.

НАТОНИНГ ҲАРБИЙ МАШҚЛАРИ

иккинчи босқичи бошланди



Маълумки, Грузияда 5 майдан 18 майгача НАТОнинг «Cooperative Longbow 09» деб номланган ҳарбий машқлари бўлиб ўтди. Биринчи босқичда НАТОга аъзо 9 та давлат ва унга ҳамкор 5 та мамлакат вакилларидан

иборат 200 нафар ҳарбий иштирок этди. Улар штаб ишлари малакасини ўрганиш, НАТО процедуралари ва бригада даражасидаги инкирозли вазиятда бошқарув масалалари бўйича машқлар ўтказди.

«Cooperative Lancer 09» деб номланган ва кунин кеча бошланган иккинчи босқичда эса 14 та давлатдан (НАТОга аъзо АКШ, Албания, Буюк Британия, Венгрия, Греция, Испания, Канада, Туркия ва Хорватия ҳамда НАТОга ҳамкор Босния ва Герцоговина, Грузия, Македония, Озарбойжон ва Украина) минг нафар ҳарбий катнашмоқда. Дала машқларини ўз ичига олган бу босқич Тбилиси яқинидаги Вазияни ҳарбий базасида 3 июнгача давом этади.

«Новости-Грузия» АА хабар беришича, дастлаб бу ҳарбий машқларда 19 та мамлакат иштирок этиши мўлжалланган эди. Аммо Арманистон, Қозғистон, Латвия, Молдова, Сербия ва Эстония унда катнашмаслик тўғрисида баёнот бериб, таркибдан чиққан.

Россия маъмурияти эса шундоқ ҳам нотинчлик ҳукми сураётган Грузияда НАТО ҳарбий машқларини ўтказиш номақбул иш эканлиги тўғрисида баёнот берди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

РЕСПУБЛИКА УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ «ОЛТИАРИҚ» СИҲАТГОҲИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи: **Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги Республика уруш ва меҳнат фохрийлари «Олтиариқ» сиҳатгоҳининг клуб биносини реконструкциялаш. ҚМИга.**

Муддати — 15.08.2009 й.
Бошланғич нархи: — 130765027 сўм ҚҚС билан — 108970856 сўм ҚҚСсиз.

Буюртмачи:
Республика уруш ва меҳнат фохрийлари «Олтиариқ» сиҳатгоҳи.
Манзили: Олтиариқ тумани, Қизилтепа қишлоғи.
Тел: 432-04-84, факс: 432-19-15.

Қурилиш-монтаж ишлари Иш билан таъминлашга қўмақлашувчи давлат жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камидан 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов

таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ сўммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Рахимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм. Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очилиш ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқоридан кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИЖТИМОИЙ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги ишшоотларни қайта таъмирлаш учун пудратчи ташкилотларни танилаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ишшоотнинг номи	Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) сўм	Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) сўм
Лот-1:		
Лот 1-1. «Пешку туманидаги «Афсона» қишлоғида қурилиш тугалланмаган ошхонани 50 ўринли ётоқхонага қайта таъмирлаш».	276932,5	230777,1
Лот 1-2. «Бухоро шаҳридаги Агроиктисодиёт касб-ҳунар коллежи учун 105 ўринли ётоқхона қайта таъмирлаш».	206906,5	172422,1
Лот 1-3. «Бухоро шаҳридаги «Пирдашар» кўчасида жойлашган Автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежи учун 200 ўринли ва хизмат кўрсатиш блоки мавжуд ётоқхона қайта таъмирлаш».	317426,7	264522,2
Лот 1-4. «Когон шаҳридаги Педагогика касб-ҳунар коллежининг қурилиш тугалланмаган 60 ўринли ётоқхонасини қайта таъмирлаш».	318156,5	265130,4
Лот 1-5. «Бухоро шаҳридаги Агроиктисодиёт касб-ҳунар коллежи ҳудудидagi Педагогика касб-ҳунар коллежи учун 105 ўринли ётоқхона қайта таъмирлаш».	206466,6	172055,5
Лот 1-6. «Бухоро шаҳридаги «Алпомиш» кўчасида жойлашган Енгил саноат касб-ҳунар коллежининг 280 ўринли ётоқхонасини қайта таъмирлаш».	380925,1	317437,6

Маъкур ишшоотларни фойдаланишга топшириш муддати — 2009 йил 1 август.
Қурилиш ишлари Республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй. Тел: 223-63-26, факс: 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридан айланма маблағини ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш ишшоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ сўммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона, тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона, тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.
Тақлифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш кунини ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферталар иштирокида очилади.
Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб камдан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хонада бўлиб ўтади.



бундай болалар таълим-тарбиясида асосий юк мактаб ва бизга ва албатта, бугун ўз ишларини тарғиб қилаётган масканлар зиммасига тушади. Демак, алоқаларни янада мустаккамлашимиз зарур.

Дарвоқе, тадбирда прокуратура, ички ишлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Тадбир қандай натижа бериши биринчи кундаёқ аён бўлди. Учта туман ўқувчи-

БАХТЛИ БОЛАЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

— Масканимизга 500 га яқин бола жалб этилган, — дейди Сирғали туманидаги «Олимпия умидлари» болалар спорт мажмуининг директори Акбар Василлов. — **Тарбияланувчиларимиздан Жалолиддин ўтган йил Италияда бўлган кикбоксинг бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаларида иккинчи ўринга сазовор бўлди. Универсал курашда жаҳон чемпиони бўлган яна бир спортчимиз Сайёра айни кунларда Осиё биринчилиги учун беллашуларда иштирок этяпти.**

Сирасини айтганда, бундай таълим масканлари ҳар бирининг мураббий ва ўқувчилари ўзлари эришган ютуқлари билан фахрлана олади.

Зарнигор Бурхонова Собир Рахимов туманидаги ўқувчилар ижодиёт марказининг миллий каштачилик тўғрисида катнашчиси.

— «Камалак — 2009» танловиди ўз ишларини билан катнашиб қолган бўлдим, — дейди қизалоқ. Унинг ишларини — етти икким ранги акс этган қашта, жияқларни бир гуруҳ тенгшоҳ қизлар ҳавас билан томоша қилиб, марказ манзилни суриштиридилар.

— «Тошкент ниҳоли — 2009» танловининг туман босқичида дуторчиларимиз муваффақиятга эришдилар, — дейди ушбу марказ раҳбари Барно Раҳимова. — Биласизми, болаларимиз ўз талантиларини Миллий театр сахнасида намойиш этдилар. Санъат афлисбосини эндигина ўрганаётганлар учун бундай мўътабар даргоҳдаги чиқишлари бўлажак машҳур санъаткорларнинг дастлабки қадамлари бўлса ажаб эмас...

— Шогирдларимнинг ҳаммаси ҳам авиасоз бўлмаслиги мумкин, — дейди шаҳар болалар ижодиёт марказидаги «City flyers» авиомоделчилар тўғрисида раҳбари Абдор

Сотимов. — Аммо бир нарсани аниқ биламан — болаларнинг тўғрақанда олган кўникмалари эртага катта ҳаётда албатта фойда беради. Ахир, ўғил бола миҳ қоқиш, бузқ-синикини тузатиш ишларини эълоғи олиши керак.

Унинг ўқувчиси Всеволод Тулопов ўзи ясаган авиомоделини ишлаш тартиби, ясаиш жараёнларини қизиқайтган тенгшоҳларига тушунтириш асносида бизнинг саволимизга ҳам жавоб беради.

— Тўғрақандаги машғулотлар мен учун жуда кўнгилли, вақтининг қандай ўтганини билмай қоламиз. Касб танлашимга шу машғулотлар туртки бўлди, десам аниқлимайман. Бу йил 9-синфини битираман, авиасозлик коллежида ўқиш ниятим бор.

Ҳа, мактабдан ташқари таълим муассасалари болаларнинг бўш вақтини ташкил этибгина қолмай, уларнинг қобилият ва иқтидорларини аниқлашга, намоеён этишга ҳам кўмаклашади.

— Бола бўш қолмаслиги керак, — дейди Юнусобод туман ички ишлар бўлими инспектори, катта лейтенант Дилором Мирхаликова. — Бола эътибордан четда қолди, ҳуқуқбузарлик, ноқўя ишларга йўл очилади.

Бўлимимизда рўйхатда турган вояга етмаганларнинг ақсариятини нотинч оилаларнинг фарзандлари ташкил этади. Табиийки, бундай оилаларда соғлом турмуш тарзининг, болани бирон тарбия масканига етказиб борадиган ота-онанинг ўзи йўқ. Натижа эса маълум...

Ўтган йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда шундай болалар билан ўтказилган тренинг, ҳайвонот боғи ва дам олиш боғига сайру саёҳатдан кейин улар бизга анча ўрганиб, орзу-умид, қизиқишлари ҳақида гапириб бердилар. Уларга биз мактабдан ташқари таълим масканларига боришни тавсия қилдик. Бу мисол билан айтмоқчи бўлганим —



лар ижодиёт маркази ходими Мукаррам Исмоилова қўлидаги тўғрақанда қабул қилишни сўраган болаларнинг рўйхати бир неча вақрдан ошганини кўрдик. Кўйлаб ота-оналар бодган Ҳамза туманидаги 17-музыка ва санъат мактабининг тақлифномаси билан чиқдилар. Мактаб мутахассислари қизиқувчиларнинг қобилиятини шу жойнинг ўзида аниқлаб, ота-оналарга фарзандининг қобилияти фортепиано, торли ёки пуфлиб чалинадиган, ўзбек халқ мусиқий асбоблари, хореография, эстрада кўшиқчилиги, тасвирий санъат, театр йўналишларида қайси бирига мос келиши ҳақида тавсия бердилар.

Умуман, болаларга тарқатилган буклет, тақлифномаларда кўп маълумотлар ҳам бўлган. Яна бир муҳим томони — тўғрақалар бепул эканлигини таъкидлаш ҳам унутилмаган.

— Масканимизда болаларнинг ўз қобилиятларини ривожлантириш учун барча шароитлар мўъайён, — дейди ушбу мактаб директори Софья Екубова. — Қуриш даражаси паст болаларнинг шу-

❖ Ҳаёт сабоқлари

Гўзал Тошкентимизнинг катта даҳаларидан бири Себзорда гузарлар кўп. Улар ўз хусни таровати, серфайзлиги билан бир-бирдан ажралиб туради. Охунгузар билан Шокингузар ўртасида Фишт кўприк маскани бор. Бу ердаги ариқдан оққан сувнинг шилдираши кишига сурур бахш этади.

КўНГИЛ КўЗГУСИ

Ариқ лабидида серсоя жойда Одилоқол савдо қилади. Бу ерда оқ сақич, обакондон, хўрозқанд-у ерёнғоқ, қурт-у пистадан тортиб кўк пивез-у кашинч-укрогачча топилади. Маҳалла келинларининг юмушини енгиллатиш учун тўғралган сариқ ва қизил сабази хаттоки ариқдан, ўраб-ўраб қўйилган. Шу тўғрали ҳам қўлбола раста атрофи доимо гавжум.

Кўпчилик уни «боққол ота» дейди, ўзи шинаванда одам. Мижозлар билан савдолашиш қаёқда дейсиз, насияга ҳам бераверади. Лекин дафтарида қоралаб қўйишни унутмайди. Гўё меҳригиёси бор, истараси иссиқ одам. Шу боисданми, мижозлар қатори улфатлари ҳам унинг атрофида парвона. Ўтган-кетган дамларни эслашади. Ёшларнинг ахлоқ-одоби, юриш-туруши ҳақида баҳслашади...

Бир кун ҳамкасбларимдан бири гузаримизда яшовчи бир қизнинг оиласи ҳақида сўраб қолди, келин ахтарайтган экан. «Мен эрта кетиб, кеч қайтадиган одам бўлсам...», деб ишаним рўқат қилдим.

— Бу маҳаллада сиздан бошқа яқинроқ танишим йўқ, ёрдам беринг, — деб туриб олди у. Шунда боққол ёдимга тушди, майли билиб бераман деб ваъда қилдим.

Кунлардан бир кун ишдан қайтаётиб, у-бу нарса олиш бахонасида боққол ота олдига бордим. Саломлашиб бўш қўрсига ўтирдим. Оладиган нарсани харид қилгач, муддаога ўтдим.

— Ҳа, бу хонадонни яхши биламан. Икки ўғли бор. Улар ўздан тинган. Қиз катта ўғилникими ёки кичикникими, билмайман. Ҳар қалай, бўйи етган. Қаердадир ўқийди. Сумкасини кўтариб ўтиб қолади. «Лекин»и бор укам, «лекин»и, — деб менга юзланди. — Гап шу ерда қолсин. Қайси кун отаси билан ҳасратлашиб қолдик. Бечора бир хўрсиниб, ичини ёрди.

Ўғли ишга кетатуриб отасига қаттиқроқ гапирибди. Уйдагиларнинг майда-чўйда ишларига аралашаворманг, дебди. Хотин меники, қиз ҳам. Керак бўлса, ўзим уларга танбех беришни биламан, дермиш.

— Айтишига қараганда, шу ўғлининг қизи озроқ эркактой экан.

Шу ерга келганда гап бўлинди.

Ун саккиз ёшлардаги шим кийган, қўл телефонини бўйнига осиб олган бир қиз келди-да, салом йўқ, алик йўқ, «сабази нечи пул?» деди кўрсроқ оҳангда.

Боққол унга бир зум тикилди-да «Ўқишларинг яхшими қизим?» деди.

— Ҳа, бўлади, — совуқ жавоб берди у.

Икки кило сабзини елим сумкага солгач, пулни берди-да, терсайганна нари кетди. Харидор узоқлашгач, ота менга қараб:

— Худо деган экансиз. Сиз сўраётган шу қиз эди, — деди. — Мана, муомаласини ўз кўзингиз билан кўрдингиз! Хулосани ҳам ўзингиз чиқаринг... Яна бир ўйлаб кўриш лозим. Кўни-қўшилардан ҳам сўралса, ёмон бўлмайди.

Мен ўйлашиб қолдим. Яхшими-ёмонми, вақти келиб бу қиз ҳам қайси бир хонадонга келин бўлар. Аммо, ҳаёти қандай кечад? Аслида-ку, бунга у айбдор эмас. Тарбия берган ота-онасида ҳамма гап. Ўғлидан нолиган отада ҳам айб бор. Оқибат тарбияга боғлиқ.

Икки-уч кун ўтгач, келин ахтарайтган ҳамкасбим кўнгирик қилиб илтимоси нима бўлганини сўради. Суриштиришга вақтим бўлмаганини айтиб, уэр сўрадим.

— Маҳалла оқсоқилданми, кўни-қўшнисиданми суриштириб кўринг, — дея қолдим.

Назаримда, оиладаги муҳит, тарбия бу қизнинг бахтини тўсиб тургандек туюлаверади.

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla OROPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Mushihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti
2003-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
223-06-02
Gulistonda —
25-46-45
Jizzaxda —
227-48-35
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
226-43-43
Nukusda —
222-77-21
Samarqandda —
35-02-55
Urganchda —
517-30-58
Farg'onada —
224-18-78
Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Akbar JONUZOVQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13111 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633

O'za yakuni — 02.40
Topshirilgan vaqti — 05.00
1 2 3 4 5 6 7 8
Satuvda erkin narxda

Фарғонада тарихий масканлар оз эмас. Улардан бири Ю.Шакаржонов номидаги вилоят ўзбек давлат мусикали драма ва комедия театри биносидир. Мазкур бино нафақат шод тарихий обиди, балки нуфузли маърифат маскани ҳам. Ҳозир бу ерда мукаммал таъмирлаш ишлари кетмоқда.

ТЕАТР ҲАФТАЛИГИ

Уни Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги тарихий обидалардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси амалга оширмоқда. Бинонинг ҳамма жаҳасида қурилуш пардоз ишлари бораётганига қарамай, театр ижодий жамоаси фаолияти ҳам қизгин бормоқда. Улар янги иккита спектаклни сахналаштириш устида иш олиб боришапти.

Ижодий жамоанинг катта бир гуруҳи вилоятнинг Фарғона ва Олтириқ туманларида «Захарли томчи» ва «Гап йўқ, қўзичоқ» спектаклини намойиш этди. Жамоа вилоятнинг йирик корхоналарида «Театр ҳафталикларини» ўтказиб беришни йўлга қўйган. Бундай ҳафталик кўрсаткичи Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидида ўтган ва у нефтчилар жамоасига гоят манзур бўлган эди.

Яқинда бир ҳафта давомида ЎзХДП бошланғич ташкилоти ва Касаба уюмлари кўмитаси ташаббуси билан «Фарғона азот» заводидида театр ҳафталиги бўлиб ўтди. Кимёгарлар театрининг «Кампир топаёми, дадажон?», «Захарли томчи», «Марғилон йўлларида» каби

спектакллари томоша қилдилар. Таниқли санъаткорлар билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

— Очиги, охири марта қачон театрга борганим ёдимда ҳам йўқ, — деди мураккаб целлюлоза эфиллари цехи ишчиси Суйди Тиллабоева. — Бугун эса тўртинчи кундирик, театр билан, ижод дунёси билан юзма-юз бўлиб турибмиз. Биласизми, театр шундай кудратли куч экани, унинг сахнасида жўшқин ҳаётни кўриб завқ олдим. Бу учрашувлар тўғрали кўп масалаларда фикримиз ўзгарди. Умуман санъат билан, театр билан олам янада гўзалроқ эканини сеза бوشладим.

— Бугунги томошага оила аъзоларимиз билан келдик, — дейди карбомид цехи бошқирининг ўринбосари Собиржон Тожибоев.

— Илгарилари ҳам жамоа бўлиб театрга борар эдик ёки театр янги спектаклини бизнинг маданият саройи сахнасида ижро этарди. Бу гап ўзаро келиши театр ҳафталигини завод сахнасида ўтказдик. Натижада кўпминг

сонли жамоанинг деярли барча аъзолари мана шу ҳафталик иштирокчиси айландилар, — дейди «Фарғона азот» корхонаси маънавий-маърифий ишлар бўлими мутахассиси Раҳматилло Ҳидоятуллоев.

Умуман, театр мамлакатимизда ўз ўрнига эга бўлган ижодий жамоалардан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида у мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ўз спектаклини халқроқ миқёсларга олиб чиқди. Польшанинг Торун шаҳрида ўтган «Контакт» халқроқ театр фестивали

лида катта муваффақият билан иштирок этишди. Шундан буён халқроқ миқёсдаги фестивалларнинг фаол иштирокчиларидан бўлиб келяпти. Жамоа ўтган йил сентябрь ойида қўшни Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари халқроқ фестивалида катнашди. Абдуқолиқ Хурсановнинг «Кампир топаёми, дадажон?» спектаклини намойиш этган театр юксак баҳоларга сазовор бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Ёркиной Ҳотамова энг яхши аёл роли ижроси учун, ёш артист Муроджон Халилов иккинчи пландаги ролнинг энг яхши ижросиси номинатсиялари учун махсус мукофотларни қўлга киритди.


Бугунги кунда устоз ва шогирд аъналари давом этмоқда, жамоада Ўзбекистон халқ артисти Мухаммадсоли Юсупов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холмат Икромов, артистлар Анвар Исоқов, Комила Валиева, Адхамжон Акрамов, Малоҳат Тоирова каби катта таъриба ва маҳоратга эга бўлганлар қатори Акмалжон Мирзаев, Мафтун Курбонова, Фозилжон Акбаров, Гулшаной Тожибоева, Мадёр Ибрагимов, Насиба Каримова каби ўнлаб ёш истеъодлар ижод қилиб келишмоқда.

Театр жамоаси мамлакат мустақиллиги байрами арафасида янги премьера ўтказиш таратдуида.

Мухаммадҷон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

★ Спорт

БАРЧА ЖАМОАЛАРИМИЗ САФАРДА ЎЙНАЙДИ



Футбол бўйича ОФК кубоги бахсларида Фарғонанинг «Нефтчи» ҳамда Осиё чемпионлар лигасида Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси гуруҳ учрашувларини муваффақиятли яқунлаганини хабар қилгандик. Мусобақалар низомига мувофиқ, ўз гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар чорак финал йўлланмаси тақдирини бир ўйин ҳал қилганидан навбатдаги босқичда сафарда тўп суришади. Шу боис, юқоридаги ҳар икки жамоамиз ҳам 1/8 финал учрашувида сафарда ўз омадларини синаб кўради.

Жумладан, 26 май кунги ўтказилган ОФК кубогининг нимчорак финалида фарғоналиклар Сурияда «Ал-Мажд» жамоаси билан куч синашадилар. Осиё чемпионлар лигасида катнашаётган «Бунёдкор» вакиллари эса 27 май кунги Эронда «Персеполс» (собиқ «Пирузи») футболчилари мек-

мони бўлишади.

Осиё чемпионлар лигаси учрашувларини ҳар қачонгидан да кўтаринки кайфиятда бўшлаган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси охири турғача мусобақанинг «А» гуруҳида карвонбосилик қилиб келаяпти. Аммо Саудия Арабистонида «Ал-Хилол» жамоаси билан кечган сўнги ўйинда пахтакорчилар рақибларига (0:2) имкониятни бой бериб, гуруҳ бахсларини иккинчи ўрин билан яқунлашди. Натижада тошкентликлар ҳам 1/8 финал учрашувида сафарда тўп сурайдиганлар қаторини жой олдилар. Энди Виктор Жалилов шогирдлари 27

май кунги Даммамга сафар уюштиришади. Бу ерда улар чорак финал йўлланмаси учун «Ал-Иттифок» (Саудия Арабистони) жамоасига қарши майдонга тушадилар.

Эслатиб ўтамиз, бунгача мусобақанинг «Д» гуруҳида голиб чиққан «Ал-Иттифок» футболчилари мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Бунёдкор» жамоаси билан икки учрашувда рўбарў келишган. Дастлаб Тошкентда ўтган ўйинда мезбонлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишган бўлса, Даммамда эса ҳамюртларимиз (0:4) мағлубият алламини тортишганди.

Эркин ХОЛБОБО